

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В. ВОХИДОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЖАРРОХЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАКСУДОВ МУЗАФФАР ФАТХУЛЛАЕВИЧ**

**КОРОНАР АРТЕРИЯЛАР ВА МИОКАРДНИНГ ПАТОЛОГИК  
ЎЗГАРИШЛАРИ ТАШХИСИДА МСКТ ВА МРТ ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Максудов Музаффар Фатхуллаевич**

Коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида  
МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилиши.....3

**Максудов Музаффар Фатхуллаевич**

Применение современных методик МСКТ и МРТ в диагностике  
патологических изменений коронарных артерий и миокарда.....23

**Maksudov Muzaffar Fatkhullayevich**

Application of MDCT and MRI modern techniques in diagnosis of pathologic  
changings in the coronary arteries and myocardium.....43

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В. ВОХИДОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЖАРРОХЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАКСУДОВ МУЗАФФАР ФАТХУЛЛАЕВИЧ**

**КОРОНАР АРТЕРИЯЛАР ВА МИОКАРДНИНГ ПАТОЛОГИК  
ЎЗГАРИШЛАРИ ТАШХИСИДА МСКТ ВА МРТ ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Tib279 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик В. Вохидов номли Республика ихтисослаштирилган жаррохлик илмий амалий тиббиёт марказида ва МЧЖ “Fedorovich Klinikasi” да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cancercenter.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Икрамов Адхам Ильхамович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Даутов Таирхан Бекполатович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Алимов Дониёр Анварович**

тиббиёт фанлари доктори

**Юсупалиева Гульнора Акмаловна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган кардиология  
илмий-амалий тиббиёт маркази.**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2021 йил “\_\_” даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясига аннотация)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда атеросклеротик генезли юрак-томир касалликлари (ЮТК), айниқса, юрак ишемик касаллигини (ЮИК) ташхислаш ва даволаш технологиялари доимий мукаммаллашиб бораётганига қарамай, бу касалликлар дунё аҳолисини эрта ўлими ва ногиронлигининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра, 2019 йилда юрак томир касалликларидан 17,9 миллион киши вафот этган, бу эса барча глобал ўлим ҳолатларининг 32% ни ташкил қилди. Олинган статистика маълумотларга кўра 45-65 ёшдаги беморлар орасида ЮТК оқибатидаги ўлим ҳолатларининг 2/3 қисми ЮИК га ва асосан, миокард инфарктига тўғри келган. Шу сабабли коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилиши, миокард ва коронар артериялар зарарланишини ташхислашни мукаммаллаштириш, коронар касалликларнинг ривожланиш хавфини баҳолашнинг янги услубларини излаш ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда ЮИК ни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни мукаммаллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, ишемик ўзгаришларни эрта ташхислашда алоҳида эътибор компьютер ва магнит-резонанс томографиясига қаратилади. Ҳозирги кунгача «...бу тоифа беморларда коронар артериялардаги (КА) зарарланишларни аниқлашда ягона ишончли услуб сифатида селектив коронар ангиография (КАГ) қўлланилар эди, бу услуб инвазив бўлиб, томир деворларида аҳамиятли ўзгаришларни кўрсатиб беради...»<sup>1</sup>. Шу сабабли визуализациянинг коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилиши замонавий тиббий радиологиянинг ҳал қилиниш лозим бўлган долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилиши борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада коронар артериялари кальцинозининг худудий хусусиятларини компьютер томографияси, стенозлар ва коронар артериялари нуқсонларини ноинвазив ташхислаш, стенозловчи жараёнлар жойлашувини ташхислашда мультиспирал компьютер томографиясининг имкониятларини, турли компьютер томографлари детекторлари миқдорига боғлиқ ҳолда коронар артериялари визуализацияси сифатини, миокард чап қоринчасининг динамик КТ-перфузияси услубиётини компьютер томографияси ёрдамида ишлаб чиқиш самардорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда юрак-қон томир тизими касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш,

---

<sup>1</sup> Корок Е. В., Сумин А. Н. Сложности в диагностике обструктивных поражений коронарных артерий: роль неинвазивных тестов // Комплексные проблемы сердечно-сосудистых заболеваний. – 2019. – Т.8 №1. – С. 70-79

шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>1</sup> каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилишига қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилишини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Washington, (АҚШ); University Vita-Salute, University of Pavia (Италия); Keio University (Япония); Catalan Institute of Oncology (Испания); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); Yonsei University США, University Bundang Medical Center (Жанубий Корея); University of Sydney (Австралия); Jazan University (Саудия Арабистони); Regional Institute of Medical Sciences

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.washington.edu](http://www.washington.edu), [www.ku.edu](http://www.ku.edu), [www.atlantaoralpathology.com](http://www.atlantaoralpathology.com), [www.univr.it](http://www.univr.it), [www.unipv.it](http://www.unipv.it), [www.uksh.de](http://www.uksh.de), [www.keio.ac.jp](http://www.keio.ac.jp), [www.ico.gencat.cat](http://www.ico.gencat.cat), [www.uoa.gr](http://www.uoa.gr), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr), [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.jazanu.edu.sa](http://www.jazanu.edu.sa), [www.rims.edu.in](http://www.rims.edu.in), [www.rnioi.ru](http://www.rnioi.ru), [www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz), [www.toshvilonko.uz](http://www.toshvilonko.uz); [www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed](http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed), [www.who.int](http://www.who.int), [www.nhlbi.nih.gov](http://www.nhlbi.nih.gov), <https://theaosr.org>, [www.rsna.org](http://www.rsna.org), [www.myesr.org](http://www.myesr.org), <https://academic.oup.com/ehjcmaging>, <https://www.uv.cl>, <https://www.escardio.org>, <https://en.ankara.edu.tr>, <https://english.njmu.edu.cn>, <https://www.unipage.net>, <https://www.uq.edu.au>, <http://bundang.chamc.co.kr>, <https://www.clinicauandes.cl> сайтлар асосида ишлаб чиқилган

(Ҳиндистон); HELIOS University Hospital, German Heart Centre Munich (ГФР), LHK-Univ. Klinikum Graz (Австрия), Cleveland Clinic (АҚШ), Mayo Clinic (АҚШ), University of Tokyo (Япония), Universidad de Valparaíso (Чили), Institute of Cardiovascular Disease (Италия), Ankara University (Туркия), Nanjing Medical University (Хитой), Karolinska Institutet (Швеция), University of Queensland (Австралия), Milano-Clinica Universidad de los Andes (Чили); А.Н.Бакулев номидаги Юрак-томир жарроҳлигининг миллий тиббий тадқиқот марказида (Россия Федерацияси), А.Л.Мясников номидаги Кардиология миллий тиббий тадқиқот марказида (Россия Федерацияси), В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббиёт тадқиқот марказида (Россия Федерацияси), Миллий илмий кардиохирургия маркази (Қозоғистон), академик В.В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-тадқиқот тиббиёт марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилишини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: меъерий коронар артерияларда инфаркт миокардга шубҳаланганда ангиография натижасида магнит резонанс томография билан касалликни эрта ва аниқ ташхисланган (Universidad de Valparaíso, Чили); коронар артериялар қон ўтишининг тўхтаганлиги ва томирлар сиқилишини ўткир коронар синдром натижалари асосида МРТ натижалари асосида исботланган (HELIOS University Hospital, Германия); коронар артерияларнинг ёрилганда ангиография усулида миокарднинг перфузиясини баҳолаш (Ankara University, Туркия); қон оқимининг инвазив фракцион захираси плус инвазив коронар ангиография билан солиштирилганда бир мартали зўриқиш билан юракни компьютер томографиясида миокард перфузияси ва коронар артерияларни бир марта баҳолашнинг ташхисий аниқлиги исботланган (Institute of Cardiovascular Disease (Италия); бронхоскопияда коронар артерияларнинг обструктив касалликларисиз бўлган беморларда миокард инфарктини ташхислаш ва башоратлаш тартиби ишлаб чиқилган Nanjing Medical University (Хитой); обструктивсиз коронар артерияли миокард инфарктида юракнинг магнит резонанс томографияси янги баённомасининг янги варианты (MINOCA) ишлаб чиқилган Karolinska Institutet (Швеция); тропонин-мусбат нообструктив коронар артериялар ва обструктив бўлмаган коронар артерияли миокард инфарктини ташхислашда КТ ҳамда МРТ нинг ўрни баҳоланган University of Queensland (Австралия); коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилишини такомиллаштириш усуллари, даволаш ва прогнозлаш тартиби ишлаб чиқилган (академик В.В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-тадқиқот тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилишини такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, коронар артериялари

реваскуляризациясидан ҳамда аортал клапаннинг ремоделланишидан аввал ва кейин, миокарднинг перфузион тадқиқоти натижаларининг таҳлилини асослаш; коронар артериялар нуқсонлари ва ривожланиш вариантларини ташхислашда МСКТ ва МРТ имкониятларини асослаш; юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда миокард зарарланишини ташхислашда юрак МРТси имкониятларининг таҳлилини асослашни такомиллаштириш; эталон стандарт сифатидаги анъанавий инвазив коронар ангиографияси билан қиёслашда МР-коронаграфия (МР-КА) нинг ташхислаш кўрсаткичларини асослаш; МР-вентрикулография натижаларини КТ-вентрикулография ва эхокардиография кўрсаткичлари билан таққослашни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда МДХ мамлакатларида коронар артериялар ва юрак зарарланишини ташхислаш муаммоларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар ўтказилган (Железняк И.С., 2014; Джураева Н.М., 2017; Даутов Т.Б. ва ҳаммуалиф., 2019). Сўнгги ўнйиллик компьютер ва магнит-резонанс томография каби юрак ва томирлар визуализациясининг паст хавфга эга бўлган услубини мунтазам ривожланиши ва амалиётга жорий қилиниши билан тавсифланади. ЮИК ни ташхис қилишнинг устувор услубларидан бири МСКТ-коронароангиография (МСКТ-КА) бўлиб, турли тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, ташхислаш аниқлиги 95% га тенгдир (Фуженко Е.Е. ва ҳаммуалиф., 2017, Liang J. et al., 2017). Мазкур услубни амалга оширилишида янгича ёндашувларнинг жорий қилиниши уни ташхислаш инвазив КАГ нинг истиқболли муқобили сифатида кўриб чиқишга асос бўлди. ЮИК беморларини текширишнинг бошқа замонавий ва хавфсиз тадқиқоти магнит-резонанс томография (МРТ) ҳисобланади. Сўнгги ўнйилликдаги клиникагача ва клиник тадқиқотларнинг катта миқдори МРТ нинг юрак касалликларини ташхис қилишдаги юқори самарадорлигини исботлади (Уцумуева М.Д. ва ҳаммуалиф., 2018; Dastidar A.G. et al., 2020). Greenwood 2016 й. маълумотларига кўра, NICE тавсияларига нисбатан МРТ ни амалга ошириш натижасида ангиография зарурати 79% га пасайган.

Мамлакатимизда юракнинг турли омиллар таъсирида юзага келадиган ўзгаришларини самарали ташхислаш ва самарали даволаш тизимини ташкиллаштириш, ўткир ва сурункали касалликларни асоратларни олдини олиш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Курбонов Р.Д. ва ҳаммуалиф., 2019, Каримов Ш.И. ва ҳаммуалиф., 2020, Назиров Ф.Г. ва ҳаммуалиф., Гадаев А.Г. ва ҳаммуалиф., 2021) бироқ, коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилиши борасидаги натижалар ўзининг ечимини топмаган.

Шуни айтиш керакки, маҳаллий адабиётларда ЮИК да миокарддаги структурал ва функционал ўзгаришларни ташхислашда МРТ имкониятлари етарлича ёритилмаган. Ўзбекистон Республикасида контрастли юрак МРТ услубиёти кенг тарқалмаган, бу эса кардиологлар ва нур ташхиси мутахассисларида услубнинг ташхислаш имкониятлари тўғрисида ахборот етишмовчлиги билан асосланган.



Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда юрак ишемик касалликларини ташхислашни оптималлашиши, тизимга солиниши ва юрак ва коронар артериялари МСКТ ва МРТ сининг асосий услубий ёндашувларини ишлаб чиқишда илмий тадқиқотларни ўтказиш заруратини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази, UMIT – Private University for Health Sciences, Medical Informatics and Technologyнинг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-СС-2021-209 «Миокард перфузияси ва коронар артериялардаги атеросклеротик ўзгаришларни МСКТ ангиогорфия текшириш усуллари янги баённомаларини яратиш йўли билан юрак ишемик касаллиги ва ортикча тана вазнига эга бўлган беморларни даволаш тақикасини аниқлаш ва ташхислаш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида (2018-2022 йй) бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** коронар артериялари ва миокард патологиялари бўлган беморларни мультиспирал компьютер томография ва магнит резонанс томографияси ёрдамида комплекс ташхислаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

коронар артериялари кальцинозининг ҳудудий хусусиятларини компьютер томографияси услуби ёрдамида баҳолаш;

стенозлар ва коронар артериялари нуқсонларини ноинвазив ташхис қилиш, стенозловчи жараёнлар жойлашувини ташхис қилишда мультиспирал компьютер томографиясининг имкониятларини баҳолаш;

турли компьютер томографлари детекторлари миқдорига боғлиқ ҳолда коронар артериялари визуализацияси сифатини баҳолаш ва қиёслаш;

миокард чап қоринчасининг динамик КТ-перфузияси услубиётини компьютер томографияси ёрдамида ишлаб чиқиш;

миокарднинг реваскуляризациясидан аввал ва кейин, аортал клапаннинг ремоделланишидан аввал ва кейин, перфузион тадқиқоти натижаларининг таҳлилинини ўтказиш;

коронар артериялар нуқсонлари, ривожланиш вариантлари ва юрак шишларини ташхислашда МСКТ ва МРТ имкониятларини баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда миокард зарарланишини ташхислашда юрак МРТ си имкониятларининг таҳлилинини ўтказиш;

эталон стандарт сифатидаги анъанавий инвазив коронар ангиографияси билан қиёслашда МР-коронаграфия (МР-КА) нинг ташхислаш кўрсаткичларини баҳолаш;

МР-вентрикулография натижаларини КТ-вентрикулография ва эхокардиография кўрсаткичлари билан таққослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика илмий шошилинич тез тиббий ёрдам маркази ва «Fedorovich Klinikasi»да 2012-

2018 йиллар давомида юрак ишемик касаллигига тахмин қилинган 1590 нафар беморлар, аортал клапан патологияси бўлган 17 нафар, миокардит, кардиомиопатия, юрак шишлари ва турли нуқсонлари тахмин қилинган 25 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилиши контрастсиз ва вена ичига контраст суюқлик қуйилган ҳолатдаги рентген компьютер ва магнит-резонанс томография, эхокардиография, коронароангиография тадқиқотлари натижасида юракдаги ўзгаришларни баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Иш жараёнида клиник, биокимёвий, инструментал (МСКТ, МРТ, ЭхоКГ, КАГ) ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

коронар артериялари кальцинозининг худудий хусусиятлари европалик беморларга нисбатан, эркакларда - 233,6 ва аёлларда - 114,8 ни, Ўзбекистон туб аҳолисининг коронар кальций индекси камроқ намоён бўлган, эркакларда—89,3 ва аёлларда – 58,8ни тенглиги асосланган;

коронар артериаларнинг стентланган ва кучли намоён бўлган кальциноз сегментларида ҳам 64-кесимли (66% ва 74%) ва 256-кесимли (75% ва 83%) МСКТ-коронарография услубининг ташхислаш аниқлиги пасайиши исботланган;

тамоёил контраст суюқликни юбориш ва нур туфайли зўриқишни пасайтириш натижасида чап қоринча миокардини динамик КТ-перфузиясини баҳолашнинг янги усули ишлаб чиқилган (№ IAP 06232);

юрак мультипараметрик МРТ сани комплекс қўллаш орқали миокарднинг ҳаётчанлиги ва қисқариш фаолиятини баҳолаш имконини бериши ҳамда МРТ бўйича шикастланган миокард соҳалари ЭКГ, ЭхоКГ натижаларига кўра зарарланиш локализациясига тўғри келиши асосланган;

МР-коронарография 87,5% юқори сезувчанликка ва 95,8% ўзига хосликка эга эканлиги исботланган, бу таркибида йод бўлган КТ-контраст воситаларига аллергияси бор беморларда коронар артерия стенози даражасини баҳолашнинг муқобил усули исботланган;

чап қоринча қисқарувчи функциясини КТ-вентрикулография услуби орқали ҳисоблаш МР-вентрикулографиядан кам эмаслиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

МСКТ маълумотида кўра атеросклеротик пиллакчалар коронар артерияларнинг кўпроқ проксимал сегментларирда жойлашиши баҳоланган;

қиёсий жихатдан, олд пасаяувчи артерия ва унинг шохларида пиллакчалар аксарият ҳолларда топилиши (46%) илмий изоҳланган;

юрак ишемик касалликнинг турли шакллари бўлган беморларда МСКТ-КАни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланди. Компьютер томографиясини қўллаш коронар артерияларнинг стенозланиши жойлашуви ва даражасини баҳолаш, деворлар юпқалашиши ва гипертрофиясини ҳамда чап

қоринчанинг функционал кўрсаткичларини баҳолаш имконини берган;

магнит-резонанс томографияни қўллаш орқали чап қоринчанинг қисқарувчи функциясини, миокарднинг ҳаётчанлиги баҳолаш, инфарктдан кейинги кардиосклероз ва миокард яллиғланишли зарарланиши изоҳланган;

Ўзбекистон Республикаси туб аҳолисида коронар кальцинознинг перцентиль индекси ҳисобининг ишлаб чиқилган жадвали келажакда коронар ҳолатлар хавфини баҳолаш жараёнини яхшилашга ёрдам берган. Аввал миокард ишемиясининг юзага келиш хавфини баҳолашда Европа ва Япония аҳолисига мўлжалланган меъёрий кўрсаткичлар қўлланилган, бу эса бизнинг аҳолимиз билан етарлича боғланмаган;

ишлаб чиқилган динамик миокард КТ-перфузияси услубиёти қўлланиладиган контраст модданинг концентрация пасайиши ва рентген найчада қувват пасайиши эҳтимолида олинган суратларнинг сифатини сақлаб қолишни таъминлаш, натижада беморга нурланиш таъсири камайиши кузатилган;

компьютер ва магнит-резонанс томографиянинг клиник амалиётга кенг жорий этилиши миокард ва коронар артериялар ҳолатини баҳолаш самарадорлигини ошишига ва анъанавий КАГ ўтказилишига кўрсатмаларни чеклаган;

олинган тадқиқот натижалари юрак-томир жарроҳлари, кардиологлар амалиётида, нур диагностикасида ва миокард ревазуляризациясидан кейин жарроҳликдан кейинги узоқ муддатда динамик кузатувда қўлланилиши мумкинлиги тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усуллариининг қўлланилишини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юрак ишемик касаллигини ташхислаш ва олдини олишни оптималлаштириш, юрак касалликларини замонавий услубий ёндашувлар орқали маҳаллий туб аҳолиси орасида коронар артериялар кальцинозининг тарқалганлик даражаси аниқлашда ва МР-КА, 64-кесимли, 256-кесимли МСКТ-КА томографларининг КАГ кўрсаткичлари билан қиёслаш орқали ташхисотий аниқлиги белгилаб олинмиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коронар артериялар кальцинозининг ташхисланган хусусиятларини ҳисобга олиш, юрак ишемик касалликларини аввал ташхислаш ва хавф гуруҳларини шакллантиришда

фойдаланиш, чап қоринча КТ-перфузиясининг ишлаб чиқилган услубиёти қўлланилиши ЮИК ва аортал клапан патологиялари беморларида миокард ҳолатини баҳолаш самарадорлигини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилишини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Чап қоринча миокарди перфузиясини баҳолаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 06232, 2020). Натижада ушбу усул чап қоринча миокардидаги ўзгаришларини самали ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

юрак ишемик касаллигини ташхислашда коронар артерияларни контрастли компьютер томографияси ёрдамида ташхислашга қаратилган илмий натижалар асосида «Коронар артерияларни контрастли компьютер томографияси юрак ишемик касаллиги диагностикаси» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 майдаги 8 н-р/671-сон маълумотномаси). Натижада коронар артерияларни контрастли компьютер томографияси амалга ошир орқали юрак ишемик касаллиги эрта ташхислаш орқали беморларни даволашнинг самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхислашда МСКТ ва МРТ замонавий усулларининг қўлланилишини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳамда МЧЖ «Fedorovich Klinikasi» радиология ва ПЭТ/КТ ташхислаш бўлимларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 сентябрдаги 8 н-з/300-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши юрак ишемик касалликларни нур билан ташхислашда динамик контраст билан компьютер томографиясини қўллаш орқали, динамик перфузияли юрак компьютер томографиясини ўтказиш миокардиал қон оқими кўрсаткичлари, жарроҳлик амалиёти натижалари, аортал клапани протезланган ( $75 \pm 16$  мл/100гр/дақ дан  $80 \pm 15$  мл/100гр/дақ гача  $p < 0,001$ ) ва миокард реваскуляризация қилинган ( $66 \pm 19$  мл/100гр/дақ дан  $75 \pm 19$  мл/100гр/дақ гача  $p < 0,001$ ) беморларда миокард перфузияси кўрсаткичларининг ошишини, касалликни ташхислашга сарфланадиган маблағлар миқдорини камайтириш ҳамда беморларга нур таъсири камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 4 та

республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миокард ва коронар артерияларнинг морфо-функционал ўзгаришлари ташхисланишида визуализациясининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида юрак ишемик касаллигини ташхислаш тўғрисида батафсил таҳлил, умулаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилди. Мазкур муаммога қаратилган маҳаллий ва хорижий адабиётлар ўрганилди, коронар артериялар ва юрак зарарланишларини ташхислашнинг замонавий ҳолати кўриб чиқилди, кейинги қарорларни талаб қилувчи долзарб масалалар жамланди. Адабиётлар бўйича ўтказилган таҳлил натижасида илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқлаб олинди.

Диссертациянинг «**Коронар артериялар ва миокарднинг патологик ўзгаришлари ташхисида МСКТ ва МРТ замонавий усулларини қўллашнинг баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида иккинчи бобида клиник материал ва қўлланилган тадқиқот услубларининг умумий тавсифи келтирилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ 2011-2018 йиллар оралиғида 1590 нафар беморга МСКТ-коронароангиография (МСКТ-КА) тадқиқоти амалга оширилди. Улардан 80 нафарида КАГ миокарднинг кейинги реваскуляризацияси ўтказилди. Аортал клапани патологияси, ёки юрак ишемик касаллиги бўлган 35 нафар беморга динамик КТ-перфузион тадқиқот амалга оширилди, ушундан 19 нафарида жарроҳлик амалиётидан аввал ва кейин ўтказилган. Юрак МРТ си 60 нафар беморда ўтказилган. Текширувдан ўтган беморлар тавсифлари 1-жадвалда келтирилган.

## Ўрганилаётган аҳолининг клиник тавсифлари (n=1590)

Кўрсаткичлар*	Маълумотлар
Эркаклар	1133 (71,3%)
Эркак ёши, ёш	52,4 ± 10,6
Аёл ёши, ёш	57,5 ± 9,9
Хавф омиллари	
Семизлик (ТВИ ≥30кг/м <sup>2</sup> )	221 (14%)
Гиперхолестеринэмия	652 (42,3%)
Чекиш	341 (22,1%)
АГ	596 (38,7%)
ҚД	163 (10,6%)
ЮИК бўйича оилавий анамнез	324 (21%)
ЮИК претест эҳтимоли	
Паст	127 (8%)
Оралик	1288 (81%)
Юқори	175 (11%)
Анамнезида МИ бўлиб ўтган	172 (10,8)

\* Кўрсаткичлар сон кўринишидаги (%) ва ўртача бирликлар ±СО кўринишидаги маълумотлардан иборат бўлди. МИ – миокард инфаркти, ТВИ – тана вазни индекси

Тадқиқот режаси бўйича, дастлабки босқичда коронар кальциноз индекси (ККИ) ҳисоблаш учун беморларга контраст моддасиз МСКТ сканерлаш ўтказилди.

Иккинчи босқичда МСКТ-КА амалга оширилди. Ретроспектив ЭКГ-синхронизацияни қўллаш орқали сканерлашнинг стандарт баённомаси қўлланилди. МСКТ-КА 64- ва 256-кесимли КТ-сканерларни қўллаш орқали бажарилди. Бемор вазнига боғлиқ ҳолда, болюс ҳолатда ион бўлмаган контраст модданинг 60-100 мл автоматик инъектор ёрдамида юборилди.

Маълумотларнинг кейинги ишлови иш станциясида бажарилди, бу ерда мультипланар реконструкциялар бўйича тузилма детализацияси, атеросклеротик тошма узунлиги, стенознинг диаметри, ва майдони сифатидаги даражаси ҳисоби ўтказилди. Коронар шохланиш ҳолатини баҳолаш билан баробар юрак МСКТ си клапан тузилмаларини баҳолаш, миокард зарарланишини аниқлаш (чандиқлар, аневризмалар, гипертрофиялар), юрак бўшлиқлари ва перикард ҳолати аниқлаб олинди.

Юрак МРТ си 2014-2018 йиллар оралиғида 60 нафар беморда ўтказилган. Юрак МРТ тадқиқотида ҳаракатдаги юрак тасвирини олиш, ҳамда суратлар олиш имконини берадиган кардиосинхронизацияни қўллаш орқали сканерлашнинг бир неча стандарт кетма кетлиги қўлланилди. Услуга юрак цикллари турли фазаларида аниқ ва юқори даражада чап ва ўнг қоринчаларнинг глобал ва ҳудудий қисқариш ҳажмларини баҳолаш имконини берди. Қоринчалар деворчаларининг ҳаракатланиши (гипо-, дис-, акинезия), уларнинг қалинлиги, чўзилиши, шу жумладан инфаркт соҳасида, анатомик нуқсонлар, аневризмалар ва юрак бўшлиғида тромблар мавжуд бўлиши баҳоланди.

Миокард перфузиясини тадқиқот қилиш учун юрак ва миокард камералари

орқали контраст болоснинг динамик ўтиши жараёнида маълумотлар йиғини қўлланилди. Мазкур услуб гадопентета кислотаси асосидаги контраст моддани қўллаш орқали амалга оширилади, модда инфаркт ёки чандиқли тўқималар соҳасида тўпланади.

МР-коронароангиография (МР-КА) да эркин процессиянинг сегментланган, мувозанатланган ва турғун кетма кетликда қўлланилиши (SSFP) билан кўпқатламли сканерлашдан иборат бўлди. Коронар артериялар визуализацияси учун реконструкция бўлган барча тасвирларнинг мультипланар қайта форматланиши амалга оширилди.

КАГ тадқиқотда референс стандарт сифатида хизмат қилди. 80 нафар тадқиқот иштирокчиларига МСКТ-КА дан кейин 1-2 ой давомида ва 20 нафар беморга МР-КА дан кейин стандарт баённомали КАГ амалга оширилди.

Олинган натижаларга статистик равишда Стьюдент t-мезони қўллаш орқали вариацион статистиканинг стандарт услублари ёрдамида «Statica 6.0» дастури бўйича персонал компьютерда ишлов берилди. Ўртача катталиклар  $M \pm m$  (ўрта  $\pm$ ўртачанинг ўрта хатоси) кўринишида келтирилди.  $p < 0,05$  да таққосланилаётган намуналар орасида статистик аҳамиятга эга бўлган фарқ борлиги ҳақидда ҳулоса қилинган. Сифат аломатларини қиёслаш жараёни Хи-квадрат тести, Фишер аниқ тести ёрдамида ва ҳақиқатга муносабат юзасидан бажарилди.  $p < 0,05$  статистик аҳамиятга эга бўлган фарқ ҳисобланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ёши катта аҳолиси орасида коронар артериялар кальцинози кўрсаткичлари» деб номланган учинчи бобида диссертация ишини бажаришнинг биринчи босқичи натижалари келтирилган. Унинг вазифаси коронар артерияларнинг кальцинозини компьютер томографияси услуги ёрдамида ҳисоблашдан иборат.

Аксарият беморларда (КАСТ) кальцинозга учраган атеросклеротик тошмалари кузатилмади ( $n=787$ , 51,1%). Коронар кальциноз индекси (ККИ) паст бўлган беморлар (кўрсаткичлар 1-100 оралиғида) 378 (24,5%) ни ташкил этди. Коронар артерияларнинг енгил намоён бўлган кальцинози (оралиқ 100-400) 211 ҳолатдаги (13,7%) беморларда кузатилди. ККИ>400 бўлган беморлар энг кам микдорни ташкил этди ( $n=165$ , 10,7%).

Кальцинози нол кўрсаткичга тенг аёл беморлар фоиз нисбатида (65,8%,  $n=295$ ) эркакларга нисбатан (45%,  $n=495$ ) юқорирок бўлганлар  $p < 0,001$ , бироқ далилларга кўра КА кальцинози эркакларда кўпроқ бўлади. Аёлларда коронар артерияларнинг енгил намоён бўлган кальцинози кучли намоён бўлганларига нисбатан деярли 2 марта кўп экани кузатилди (мос равишда, 9,4% ва 4,9%).

Кутилганидек, ноль кўрсаткичли ККИ 40 ёшгача бўлган гуруҳда кузатилган (92,3%). Енгил ва кучли намоён бўлган ККИ кўрсаткичлари катта фоизда 60-69 ёш гуруҳларида (мос равишда, 20% ва 24%) ва 70 ёшдан катта (20% и 21,1%) гуруҳда учраган.

Коронар кальциноз кўрсаткичларидаги фарқлар этник мансубликдаги беморларда ҳам аниқланган. Осиё миллатларига мансуб аксарият эркакларда ККИ нолга тенг бўлган (45,9%,  $n=44$  кўрсаткичи европалик 37,7%,  $n=46$  кўрсаткичига қарши,  $p < 0,001$ ). Осиё миллатларига мансуб эркакларда кучли

намоён бўлган кальциноз европалик эркакларга нисбатан (15,6%) камроқ учраган (12,8%),  $p=0,003$ .

## 2-жадвал

### Ўзбекистон туб аҳолиси учун ёш ва жинс тоифалари бўйича ККИ хисоб перцентили

Эркаклар	Ёш				
	<40	40-49	50-59	60-69	>70
25 перцентиль	0	0	0	17	59
50 перцентиль	0	0	11	126	226
75 перцентиль	0	18	175	478	604
90 перцентиль	0	119	460	1078	1422
Аёллар					
25 перцентиль	0	0	0	0	2
50 перцентиль	0	0	0	0	52
75 перцентиль	0	0	5	59	213
90 перцентиль	0	0	98	263	302

Осиё миллатларига мансуб аёлларда ККИ катта фоиздаги ҳолатларда нолга тенг бўлган (67,5%,  $n=260$ ). Аналогик тенденция европалик аёлларда ҳам кузатилган (55,6%,  $n=35$ ),  $p<0,001$ . Осиё миллатларига мансуб аёлларда коронар артерияларининг кучли кальцинози ( $>400$ ) европалик ирққа мансуб инсонларга нисбатан 3 марта камроқ учрагани аниқланган (мос равишда 3,9% ва 11,1%),  $p=0,004$ .

Олинган маълумотларга асосланиб, биз томонимиздан ҳар хил ёш груҳига мансуб бўлган осиелик аҳоли учун коронар кальцинознинг меъёрий кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).

Диссертациянинг «**Коронар артериялар юрак ўсмаси нуқсонларида МСКТ ва МРТ тадқиқотлари маълумотлари**» деб номланган тўртинчи бобида коронар артериялар ва юрак ўсмалари ривожланишининг нуқсонларини аниқлаш учун МСКТ ва МРТ маълумотларининг ретроспектив таҳлил натижалари келтирилган. Беморларнинг умумий миқдори орасида – 1590 нафар бемордан 52(3,3%) ҳолатда коронар артерияларнинг анатомик вариантлари аниқланган: кучли “мушак кўприкчаси” – 29, конусли артерия – 11, гипоплазия – 5, юқоридан тарк этиш – 4, илгаксимон кўринишдаги деформация – 3. Коронар артериялар нуқсонлари тадқиқотимизда 28 (1,8%) нафар беморда учраган (3-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Коронар артериялар нуқсонлари

Нуқсон кўриниши	Миқдори (28)
Тарк этиш нуқсонлари	13
Коронар фистулалар	5
Туғма аневризмалар	3
Ягона КА*	2
Бланд-Уайт-Гарленд синдроми	2
КА атрезияси	1
АА <sup>#</sup> мавжуд эмаслиги	1
юрак бўлмаси деворида ПКА жойлашуви	1

\* КА – коронар артерия, <sup>#</sup> АА – айланиб ўтувчи артерия



Юрак МСКТ ва МРТ си маълумотларини таҳлили давомида юракдаги дастлабки ўсмалар 10 (1590 дан 0,63%да), хавфли ўсма жараёнининг кардиал тарқалиши 5 (0,31%) нафар беморда аниқланган.

Кузатувимизда юрак миксомалари 10 та дан 6 та ҳолатда учраган. Натив КТ-тасвирларда миксомалар пасайган денситометрик кўрсаткичларга эга бўлган, айрим ҳолларда гиперденс майдонлар билан бўлган (қон қуйилишлар ва кальцинация). МР-сигналли тавсифлар Т1-ВИ га гипо- ва изоинтенсив, Т2-ВИ га гиперинтенсив бўлган. Липомалар 2 ҳолатда аниқланган. Липомалар ёғ тўқимасига хос бўлган КТ зичликка (-100 НУ га яқин) ва мр-сигналга хос тавсифларга эга бўлган (гиперинтенсив Т1 ва Т2-ВИ).

Шу билан бирга, папилляр фиброэластома ва рабдомиома каби камдан кам учрайдиган ўсмалар (1 ҳолатдан) ташхисланди. КТ-кардиографияда папилляр фиброэластома – гиподенсив контурлари нотекис тузилмаган эга бўлган. МРТ-кардиографияда худди шу ўсма гипоинтенсив Т1-ВИ, оралик Т2-ВИ ва кино-тартибда сигналли тавсифлар билан намоён бўлган. Контрастсиз КТ ва МРТ-тасвирларда рабдомиома миокардга нисбатан бир хил зичликдаги ва сигналли тавсифларга эга бўлган.


Юрак бўшлиғидаги тромблар (тиқилмалар) 7 (0,44%), юрак паразитар чурралари 7 (0,44%) нафар беморда аниқланган. Контраст тадқиқотда тромблар қоринча ёки юрак бўлмаси деворчасига ёндош кенг асосда ярим ой шаклида тўлиш нуқсонлари намоён бўлди. Барча ҳолатда паразитар чурраларнинг периферияси бўйлаб, йирик қобик кузатилди. Чурраларнинг денситометрик кўрсаткичлари 0 дан +22 Хаунсфилд бирлиги оралиғида ўзгариб турган. Паразитар чурранинг МРТ да намоён бўлиши Т1 да гипоинтенсив тасвирлар ва Т2 да гиперинтенсив МР-сигналли тавсифлардан иборат бўлди.

Диссертациянинг «**Юрак ишемик касаллиги тахмин қилинган беморларда юрак ва коронар артериялари компьютер томографияси натижалари**» деб номланган бешинчи бобида юрак ишемик касаллиги маълумотлари ва ҳисоботи тизимига кўра коронар артериялар ҳолатини баҳолаш амалга оширилди (CAD-RADS), 64- ва 256-кесимли МСКТ-КА билан ташхислаш самарадорлигининг қиёсий жиҳатлари ўрганилди, ЧҚ миокардининг динамик КТ-перфузияси натижалари кўриб чиқилди.

